Куч — адолатда

# Адолат

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 ЙИЛ 25 ИЮЛЬ

№ 27 (418)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда эркин нархда

*Иқтисодий ислоҳот сабоқлари*

## ҒАЛЛАНИ ПРОКУРОРСИЗ ЎРИШ МУМКИНМИ?

### ёки фермерга қонун назорати қачон ва қай тартибда керак бўлиши хусусида

Сир эмас, қишлоқ хўжалигида кечаётган жараёнлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларига ўз таъсирини кўрсата олиши, бозор йўналишидаги ривожланган суръатларни белгилаши билан муҳимдир. Шу жиҳатдан қишлоқни мамлакатнинг уриб турган юрагига қиёслаш мумкин.

Хўш, бугун қишлоқда ислоҳотлар кутилган натижани бераяптими? Деҳқон ёки фермер ўз хўжалигида юксак самарадорликка эришиб меҳнат қилиш учун унга берилган имкониятлар етарлими? Маҳсулот етиштирувчи ўз ҳуқуқ-ваколатларидан лозим даражада фойдалана олаяптими? Ҳокимлик ва бошқарув идораларининг хўжалик фаолиятига ўринсиз аралашувларига барҳам берилганми?

Самарқанд туманидаги "Миришкор" фермер хўжалиги раҳбари Абдурауф Давроновнинг таъкидлашича, бугун бозор талабларини, мулкка эгалик ҳуқуқларини, шартнома жавобгарлигини англаб етган ва қонун ҳимоясига ишонган деҳқон учун имконият ҳам, шароит ҳам етарли. Чунки у ким учун ва қандай меҳнат қилаётганлигини билади. Деҳқон ёки фермерни далага фақат манфаатдорлик бошлаб чиқиши мумкин. Тovонига кесак ботиб шудгор оралаган, ер текислаган, уруғ қадаган ҳазрати деҳқон етиштирилган ҳосилни ўзи тасарруф этиши, фойдаю салмоғини ўз қўлида чамалаб кўриши керак.

Шундай қоидага асосланиб иш юритилаётган фермер хўжалигида самарадорлик йил сайин ортиб бормоқда. "Миришкор"да тўпланган тажрибага бугун ҳамма ҳавас қилади. Нафақат тумандан, балки вилоятнинг олис хўжаликларидан ҳам бу ерга иш ўрганиш, намуна олиш учун ташриф буюришади. Ахир фермер хўжалигида суғориладиган ерлардан йилига икки марта юқори ҳосил олинади. Сабзавотчилик ва ғаллачиликда рентабеллик даражаси 40-50 фоизни ташкил этади. Сабаби, бу ерда голланд технологияси 7 йилдан буён муваффақиятли қўлланилмоқда. Фермер хўжалигининг моддий-техникавий базаси мустаҳкам. Маҳсулотни сақлаш, ташиш жараёнидаги нобудгарчиликларга чек қўйиш учун махсус омборхоналар, техника воситалари муҳайё.

Ҳозирги кунда фермер хўжалиги 66 гектар экин майдонига эга. Шунинг 34 гектари суғориладиган ер. 2 гектарлик иссиқхонада эса сабзавот конвейрини қишин-ёзин узлуксиз ишлатиш чоралари кўрилмоқда. Ўтган йили фермер ўз кучи билан 7 гектар ерни ўзлаштириб суғориладиган экинзорга айлантирган эди. Бу йил яна 5 гектарлик паст-баланд майдон текисланиб, фойдаланишга яроқли ҳолга келтирилмоқда.

Абдурауф Давроновнинг фермерлик хўжалигида бу йил ғалладан 60 центнердан сара ҳосил етиштирилди. Сабзавот пайкалларида ҳам ҳосил ғарқ пишиб етилган. Шаҳар савдо тармоқларига ҳар куни тонналаб карам, помидор, бодринг маҳсулотлари жўнатилмоқда. Эътиборлиси шундаки, деҳқончиликда аниқ ҳисоб-китобларга таяниб иш кўрилаётганлиги туфайли бу ерда 70 киши доимий иш билан банд бўлиб, юқори маош олишмоқда. Бу эса ўз навбатида уларни самарадорликнинг янги-янги имкониятларини излаб топишга ундамоқда.

Эътиборингизни шундай мисолга жалб этмоқчимиз. Фермер хўжалигида мана бир неча йилдирки, чувалчанг боқилиб биогумус тайёрланмоқда. Қишлоқ хўжалигида ер унумдорлигини оширишга беқиёс даражада таъсир кўрсатадиган бу усул фермерга катта фойда келтирмоқда. У нафақат ўз экинзорларини озиқлантиришда қўл келмоқда, балки эҳтиёждан ортиқча биогумусни вилоят хўжаликларига сотишдан ҳам миллионлаб сўм даромад олмоқда. Фақат шу йилнинг ўзида талабгор хўжаликларга 800 тоннадан ортиқ ер озуқаси етказиб берилди. Талабгорлар эса кун сайин кўпайиб бормоқда.

Шугина эмас, "Миришкор"да чорвачилик ҳам дурустгина даромад келтирмоқда. Ҳозир бу ерда 50 бош қорамол парвариш қилинаяпти. Бўрдоқига боқилаётган молларнинг вазни 500-600 килограммлик тош босади. Говмишлардан эса кунига 200 литрдан зиёд сут соғиб олинаяпти. Ем-хашак, озуқа шу ернинг ўзида етиштирилади. Шу боис маҳсулот таннархи арзон.

Шундай шароитда фермернинг ички ишларига аралашиш, унинг фаолиятини кўз-қулоқ бўлиб назорат қилишга зарурат борми? Ахир у сидқидилдан ишлаб ўзига ва жамиятга салмоқли фойда келтираётган бўлса ортиқча назорат ишончсизликни келтириб чиқармайдими?

Афсуски, ҳар биримиз айрим жойларда шундай манзаранинг гувоҳи бўлаяпмиз. Ғалла пишиб етилганда уни прокуратура ва милиция ходимлари назорати остида ўриб оламиз. Ғаллазорга, йўлларга, хирмон жойлашган жойларга қўриқчилар қўйиб чиқилади. Минг машаққат билан ғаллани етиштирган деҳқон четда қолиб ҳисоб-китобни назоратчилар олиб боришади. Шунда ҳам хирмон салмоғи баъзан кутилганидек бўлиб чиқмайди. Эҳтимол бунинг сабаблари ҳақида ўйлашдан олдин деҳқоннинг манфаатларини ўз ўрнига қўйиш лозимдир. Ахир Самарқанд туманидаги Абдурауф Давронов бошлиқ фермер хўжалиги 10 гектарлик ғаллани қонун назоратчиларининг иштирокисиз талон-торож қилмай қисқа вақтда ўриб, гектаридан нақд 60 центнердан ҳосил йиғиштириб олишдику! Демак, улар давлат олдидаги шартнома жавобгарлигини яхши англаб етишган.

—Лекин ўзимизга ва ўзгаларга нисбатан қанчалик талабчан бўлмайлик шартнома шартларига амал қилинишида баъзан ғирромликларга ҳам учраб турибмиз, — дейди фермер Абдурауф Давронов.— Масалан, 2 гектарлик иссиқхонани иситиш учун вилоят газ таъминоти идораларидан шартномавий ҳуқуқларимизни талаб қилолмай оворамиз. Газ ўрнида ишлатиладиган печ ёнилғисини эса нефть маҳсулотлари базасида тополмайсиз. Натижада воситачилар хизматидан фойдаланамиз деб 2 миллион сўм маблағни товламачи фирма қўлига топшириб қўйдик. Икки йилдан буён такрор-такрор судга мурожаат қилиб на пулимизни ундирамиз, на печ ёнилғисини оламиз. Демоқчиманки, фонд материалларидан фойдаланишда фермерга ҳар қандай чекловларни қатъиян йўқотиш лозим.

Дарвоқе, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган мажлисида айни шу хилдаги камчилик-нуқсонлар Президентимиз томонидан қаттиқ танқид қилинган эди. Ва қишлоқ хўжалигида юксак самарадорликни таъминлаш учун маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўз иши билан шуғулланиши, ҳар ким қонун бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлар учун жавоб бериши лозимлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Демак, қишлоқ хўжалигида ҳуқуқий муносабатлар ўз ифодасини топмоғи, ҳамма бўғинларда бирдек амал қилиши шарт. Фермерга қонун назорати ғаллани ўриб олиш пайтида эмас "тақсимотчи" ташкилотларнинг ҳийла-найрангларидан, шартнома мажбуриятларидан тонадиган фирибгарлардан унинг манфаатларини ҳимоя қилишда кўпроқ асқотишини тушуниб олиш пайти етмадимикан?

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**"Адолат"нинг ўз мухбири.**



**Оққўрғон туманида илмли, тажрибали, фидойи инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Ана шулар қаторида "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги раиси Эргаш Ниёзов ва "Қаҳрамон" ширкат хўжалиги раҳбари Саидкамол Баҳромовларни бемалол тилга олиш мумкин. Бу пешқадам раислар ўзлари етакчилик қилаётган жамоалар аъзоларини катта ишларга сафарбар этишиб, пахта, ғалла ва бошқа экинлардан доимо юқори ҳосил олишда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.**

**Суратда: туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шавкат Мухторов (ўнгда) устозлари Эргаш Ниёзов ва Саидкамол Баҳромовлар билан тез-тез кўришиб, маслаҳатлашиб туради.**

**Каримжон РИХСИЕВ олган сурат.**

*Эътироф*

## ВАТАН ЧИЗГИЛАРИ

***Ватан—руҳи жонимизга пайваста. Бу қутлуғ масканнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини рассом рангин жилоларда, шоир бетакрор мисраларда, бастакор тонг насимидек гўзал наволарда, қўйингки, шу табаррук гўшада туғилиб, унинг бағрида камолга етаётган ҳар бир инсон ўз тафаккур дунёсида ифода этади.***

Бухоро енгил саноат ва технология институти талабаси Ирода Абдуллаева ҳам Ватан чизгиларини ўз иншосида ўзига хос тарзда изҳор этди.

—Ватан, миллат олдида фарзандлик бурчини тўлатўкис адо этиш учун ҳар биримиз қарздорлик туйғусини ҳис этиб яшамоғимиз лозим. Билим олишимиз, иқтидоримизни намойиш этиш учун яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Зеро, биз ёшларга бўлган алоҳида эътибор—давлатимизнинг эртанги кун эгаларига бўлган ишончи юксак эканлигидан далолат беради.

Кўриб турганингиздек, Ирода Абдуллаева теран тафаккури, дунёқараши ва интеллектуал салоҳияти билан тенгдошлари орасида ажралиб турадиган ёшлардан. У Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2002 йилнинг 1 декабридаги 183-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг қўшма буйруғига асосан республика олий ўқув юртлари талабалари ўртасида "Тарихни билмай, келажакни қуриб бўлмайди" мавзуида ўтказилган ижодий иншолар кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади.

—Ироданинг иншосини ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Унинг ижодий иши билан танишиб, тақриз ёзиш жараёнида буни дилдан ҳис этдим,— дейди институт "Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш ва тарғиб қилиш маркази" директори, фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси Мавлуда Раҳмонова.—У озод ва обод ватан қуриш, эркин ва фаровон жамият барпо этишда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиш, мухтасар қилиб айтганда, эл-юрт ташвишига елка тутиш Ўзбекистон фуқаросининг, хусусан, ёш авлоднинг муҳим вазифаси эканлигини чуқур ҳис этишини яққол намоён эта олган.

Бизнинг мамлакатимизда ёшларнинг комил инсон даражасида вояга етишлари учун барча имкониятлар яратилган. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мазмун-моҳиятида ҳам келажак-ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан етук инсон бўлиб вояга етишлари борасидаги ғамхўрликлар мужассам. Ироданинг ўнлаб, юзлаб, минглаб сафдошлари Ватанга, миллатга муносиб фарзандлар бўлиб вояга етмоқдалар. Ироданинг аниқ, тиниқ, мустақил фикрлари қатрада қуёш акс этгани мисол нур таратишига, ҳар бир ўзбекистонлик қалбида акс садо беришига шубҳа йўқ. Ирода Абдуллаева талқини билан айтганда:

**Юртбошиси фидойи юрт**
**ривож топар ҳар қачон,**
**Тангрига беҳад шукрким**
**келди озод, ҳур замон,**
**Истиқлолнинг**
**неъматларин сақлаш**
**учун соғ омон,**
**Ўз ҳуқуқин танийдиган**
**ёшлар керак бегумон.**
**Ўрганурмиз тарихингни**
**қўлда Қуръон, дилда**
**имон,**
**Истиқболинг порлоқ**
**бўлгай мустақил**
**Ўзбекистон.**

**Моҳира ШАКАРОВА,**
**"Адолат" мухбири.**

## ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

***Пойтахтимизда 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳрини ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига оид масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов бошқарган ушбу йиғилишда йил бошидан буён пойтахт иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида бажарилган ишлар атрофлича таҳлил этилди, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Шаҳар бўйича 2003 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига кўра ҳудудий ички маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 фоиз ошди. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиши эса 6,9 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида экспорт ҳажми ўсиб, хусусий тармоқни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида кўплаб кичик ва ўрта бизнес субъектлари, янги иш жойлари очилди.

Йиғилишда шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада жадаллаштириш вазифаларини Президентимиз Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни янада эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш борасидаги муҳим тамойиллар асосида изчил амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

*Бугуннинг гапи*

## ҚОНУН ҲАМИША УСТУВОР БЎЛСИН

***Шу йилнинг 4 март куни эди. Одатдаги рейд сафари билан хизматга чиққан Тошкент вилоят божхона бошқармасининг контрабандага қарши курашувчи бўлими ходимлари Тошкент шаҳрига яқинлашиб келаётган 10 O 97-63 ҳамда 10 S 46-66 давлат белгили "Нексия" автомашиналарини тўхтатишди. Машинадагиларнинг бесарамжонлиги божхона ходимларини хушёрликка ундади. Шу сабаб уловлар синчиклаб текширилди. Улардан 10 миллион 782 минг сўмлик божхона божи тўланмаган, ҳужжатсиз матолар чиқди.Кейинчалик бу ҳолат бўйича суриштирув ишлари олиб борилганда бу маҳсулотларнинг Қозоғистондан ноқонуний йўллар билан мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилаётгани маълум бўлди. Қонунбузарларга нисбатан тегишли чора кўрилди. Аммо...***

Минг афсуски, кейинги пайтларда бундай ноқонуний ишлар ва бу ҳақдаги узунқулоқ гаплар тез-тез қулоққа чалинмоқда. Барча постларнинг қанчалар мустаҳкамлиги эътироф этилмасин ички бозорларда сифат сертификатисиз сотилаётган молларга ҳамон дуч келинаётганлиги билан асло муроса қилиб бўлмайди. Ахир кейинги йилларда мамлакатимиз ички бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш ва уни истеъмолга яроқсиз, сифатсиз товарлардан ҳимоя қилиш борасида, қолаверса, Республикамизда сифатли халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида муҳим қарорлар қабул қилиниб, улар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу борада барча ҳуқуқ-тартибот идоралари самарали ишларни амалга оширишмоқда.

Шу билан биргаликда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорларнинг мақсади ва моҳиятини аҳолига кенгроқ етказиш учун чегара яқинларида жойлашган барча маҳаллалар, фуқаро йиғинлари, жамоа хўжаликларида тез-тез йиғилишлар ўтказиб борилаяпти. Деярли ҳар бир йиғилишда ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи—давлат чегараларидан қонунга хилоф равишда товар олиб ўтишни ўзига касб қилиб олган қонунбузар шахслар муҳокама қилинмоқда. Ноқонуний равишда республикамиз ҳудудига товар моддий-бойликларини олиб кириш ва олиб чиқиш, айрим ҳолларда эса республикамизга олиб кирилган ёки олиб чиқилаётган товар моддий-бойликларини қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бароваридан ошганда бу товарларни ташиётган транспорт воситалари ҳам жиноят қуроли сифатида суд ҳукмига мувофиқ давлат эгалигига ўтказилиши ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Шунга қарамасдан айрим фуқаролар томонидан бундай ҳуқуқбузарликларни содир этилиши ҳамон давом этиб келмоқда. Фақатгина 2003 йилнинг 1-ярим йиллигини ўзида 1267 та божхона қонунчилигини бузилиши ҳолатлари қайд этилиб, 326,5 миллион сўмлик товар моддий-бойликлари давлат чегараларидан ноқонуний равишда олиб ўтилаётганида ушлаб қолинди. Шулардан 66 та ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноий ишлар қўзғатилди, қолган ҳолатларда ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда маъмурий жазолар қўлланилиб, улардан далилий ашё сифатида олинган товар моддий-бойликлари давлат эгалигига ўтказилди.

Масалан, 2003 йилнинг 19 июнида Тошкент вилояти божхона бошқармасининг Контрабандага қарши кураш бўлими ходимлари томонидан Тошкент тумани, "Тошкент" жамоа хўжалиги ҳудудида Тошкент шаҳри томон ҳаракатланиб келаётган Д.Кушмуратов бошқарувидаги КаМАЗ 5320 русумли давлат белгиси 11 N 00-03 рақамли автомашина тўхтатилиб текширилганида унинг юкхонасидан ҳеч қандай тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган умумий баҳоси 13.215.100 сўмлик 209 дона аудиомагнитафон ва 190 дона телевизор борлиги маълум бўлди. Қозоғистондан Ўзбекистонга ноқонуний равишда олиб кириб келинаётган товарларни ушлаб қолингани юзасидан Тошкент вилояти прокуратурасига тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, жиноий иш очиш учун жўнатдик.

Қиссадан ҳисса шуки, ўзингизнинг ҳамёнингизни ўйлаб қонунга чап бераман деб, панд еманг. Барибир доғда қоласиз. Кейинги пушаймондан эса асло фойда йўқ. Мамлакатимиз ўзининг мустаҳкам дарвозаларига эга. Вилоятмиз божхоначилари ҳам ички бозоримизни ҳимоялаш, ўз ишлаб чиқарувчиларимизнинг ички бозоримиздаги ҳиссаси янада ортишига ҳар томонлама кўмаклашиш, халқимиз иқтисодиётига, жумладан, саломатлигига катта зиён етказадиган сифатсиз, истеъмолга яроқсиз товарларни ноқонуний равишда божхона назоратини четлаб олиб киришларига барҳам бериш учун ўз олдиларига катта вазифаларни қўйишган. Улар шу қутлуғ мақсад йўлида сидқидилдан хизмат қилишмоқда.

**Эсонмурод АННАЕВ,**
**Тошкент вилояти божхона**
**бошқармаси бўлим бошлиғи.**
**Мирзараҳим МИРЗАЁҚУБОВ,**
**бошқарманинг катта инспектори.**

*Замондошимиз*

## ЯССАВИЙЛИК ДЕҲҚОН

***"Ўзбекистон" хўжалигининг Солиҳ ота, Дада (Дадақўзи) ҳосилот, Ҳамид (Ҳамидулла) бригадир номи билан машҳур бободеҳқонларини зангиоталиклар яхши билишади. Чунки хўжаликнинг истиқлол йилларидаги муваффақиятларида худди шу дала дарғаларининг ҳиссалари катта. Ҳатто уларнинг шогирди Маҳмуд Алиевнинг бош пудратчилик фаолияти ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ.***

Хуллас, Маҳмуд аканинг гурунгини олмоқ истадим. Бироқ уни истаб, даласидан ҳам, уйидан ҳам тополмадим. Нима қиламиз, деган ўй билан бошқарув идорасига кирсам, одатдагидек, бош ҳисобчи Илҳом Усмоновгина жойида экан.

— Бўлажак экинининг ташвиши билан кетган бўлса, кеп қолади иши битгач, баъзиларга ўхшаб чойхона-пойхона қилиб юрадиган йигит эмас, — деди бош ҳисобчи.

— Сизлар, ўзи, тенгдошмасми? — дедим Илҳом Усмоновнинг гапидан бир нарсани сезгандек бўлиб.

— Ҳа-да, ака. Бир мактабда, бир синфда ўн бир йил бирга ўқиганмиз. Бирга ўсганмиз. Ҳозир ҳам кунда бир кўришмасак туролмаймиз.

Бош ҳисобчининг кейинги гапи мени янаям хурсанд қилди.

— Тўғри айтасиз, биродар. Донишмандлар бежизга:

— Дўстнинг азиз дийдори — дўстга гўё нур, дори, — дейишмаган, — дедим беихтиёр. Сўнг ҳазил билан мақсадга ишора қилдим: — Демак, асосий алиевшунос билан юзма-юз турган эканманда.

— Тўғри, ака. Лекин, ҳеч қачон алиевчи бўлган эмасман, — дея ҳазилга ҳазил билан жавоб берди Илҳом.

Шу тариқа бош ҳисобчи ҳузурида Маҳмуд Алиев ҳақидаги илк суҳбат бошланиб кетди.

— Мен сизга айтсам, Маҳмуд яхши оиладан чиққан. Отаси, раҳматли Маҳсуд ака узоқ йиллар ўрта мактабда ўқитувчилик қилган. Шунингдек, бир неча йил хўжалик раҳбарининг сиёсий-тарбиявий ишлар бўйича муовини ҳам бўлиб ишлаган. Маҳмуднинг Шавкат деган акаси кўчатчилик бригадасининг моҳир етакчиси сифатида танилган эди. Умри қисқа экан, бевақт вафот этиб кетди худо раҳматли. Шуҳрат исмли акаси ҳам деҳқончилик билан шуғулланади. Эътибор бердингизми, учала ўғил ҳам деҳқон. Дала ишини зўр билишади. Чунки, раҳматли Мақсуд ака уларни, сизларнинг тилларингиз билан айтганда, ўзига хос ерсевар, далага интилувчи, далапарвар қилиб тарбиялаган.

Маҳмуднинг деҳқончиликка бўлган муҳаббати мактабда ўқиб юрган кезлариданоқ билинарди. У меҳнат дарсидан нуқул аъло баҳо оларди. Бундан хурсанд бўлган муаллимимиз баъзан: "Биттанг шу вақтдан юрист бўламан, биттанг тиш дўхтири бўламан дейсан, Маҳмуджон билади, ҳамма нарсанинг замини — меҳнат", дея уни рағбатлантиради.

Мактабни битиргач, у зарурат туфайли озгина вақт хўжаликда оддий шофёр бўлиб ишлади. Сўнг сабзавотчи бригадирлардан бўлган Ғофир Тўлаганов ўз ёнига табелчи қилиб ишга олди...

Маҳмуджонни ўз ёнига таклиф этган Ғофир Тўлаганов хўжаликнинг кўзга кўринган сабзавотчи бригадирларидан ҳисобланарди. У талабчан ва ғоятда қаттиққўл етакчи эди. Шунинг учун Маҳмуджон унинг ёнида иш бошлаганда баъзилар "принципиалликнинг пири бўлган бу одам билан ёш йигит ишлаб кета олармикин?" деган шубҳага ҳам боришган. Раис Рашид Каримов эса, уни "ажойиб одамга шогирд тушдинг, ўғлим", дея рағбатлантирарди. Яхши оиладан чиққан эмасми, у "мураккаб" бригадир билан дарров тил топишиб ишлаб кетди. Бундан отаси ҳам, хўжалик раҳбари ва мутахассислар ҳам бирдай хурсанд бўлишди.

Кўп ўтмай, бригадирнинг ҳақиқий ўнг қўлига айланди. Маҳмуд айримларга ўхшаб, "мен табелчи, ёзув-чизув ишларини қилсам бўлди-да", деб ўтирмасди. Асосий юмушни бажариб бўлиши билан далага, деҳқонлар ёнига югурарди. Экинга сув тарашми, ўт юлишми, чопиқми — қандай иш кетаётган бўлса, енг шимариб, дарров қарашиб кетаверарди. Шунда, баъзида, деҳқонларнинг фарғоналикка ўхшаганлари: "Маҳмуджон, ишқилиб, ўзингизга ярим ставка қўшиб қўймаяпсизми?" деб ҳазиллашарди. Бош ҳосилот Дадақўзи Каримов эса, бригадирга: "Ғофир, сиз буни Солиҳбой деб ўйламанг, бу — Маҳмудбой!" деб барчани кулдириб кетарди.

1985 йили, кутилмаганда бригадир Ғофир Тўлаганов оғир йўқотишга учради: автомобиль ҳалокати натижасида вафот этди. Раис ва бош ҳосилот: "жамоа етакчилигини сенга топширамиз" деганда, у, устозининг руҳи ҳурмати ҳеч иккиланмай таклифга рози бўлди.

Тўқсонинчи йилларга келиб, Маҳмуд Алиев энг пешқадам ва изланувчан етакчи сифатида танилди. Машҳур устозларининг тажрибаларини пухта ўрганиб, улар яратган деҳқончилик мактабининг йўл-йўриқларига қатъий амал қилиб, сабзавотнинг айрим турларидан бир йилда икки марта ҳосил ола бошлади. Изланувчан деганимизнинг боиси шуки, у сабзавотнинг янги навларига ниҳоятда ишқибоз. Хўжаликка яқин ерда жойлашган Республика сабзавот, полиз ва картошка экинлари илмий-тадқиқот институти тавсия қиладиган янги навларни иложи борича биринчи бўлиб ўз даласида экишга ҳаракат қилади. Сабзавотшунос олимларнинг деярли барчаси билан таниш. Бирон экин юзасидан савол туғиладиган бўлса, дарров уларга мурожаат қилади. Айрим олимлар мунтазам равишда даласига келиб туришади. Ҳатто унинг амалиётчи сифатидаги фикрлари билан қизиқишади.

Маҳмуд Алиев хўжаликда биринчилардан бўлиб, пудрат усулига ўтди. Ҳозир унинг бригадаси шу усулда, 2,7 гектар ерда сабзавот билан деҳқончилик қиляпти. Масалан, 2002 йилда жамоа 55.250 килограмм ҳосил етиштиришни режалаштирган эди, бу мўлжал 73.330 килограмм қилиб, ортиғи билан бажарилди. Бригада ўтган йил натижалари бўйича қарийб 2 миллион 700 минг сўм даромадга эришди. Ҳар бир ишловчининг йиллик ўртача иш ҳақи 358 минг сўмга тўғри келди.

— Аъзоларимнинг бирини бемалол карамшунос, иккинчисини помидоршунос, учинчисини сабзишунос деяверинг, — дейди Маҳмуд ака фахр билан. — Негаки, улар "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги далаларида устоз Каримовлар яратган деҳқончилик мактабини ўтаганлар-да! Яъни бири Солиҳ акадан, иккинчиси Дадақўзи акадан, учинчиси Ҳамидулла акадан деҳқончилик сирларини ўрганган. Масалан, катта майдонларда сабзавот экадиган Дилшод Йўлчиев, Олим Содиқов, Абдурашид Мавлонов, Мирғиёс Усмоновлар бошлиқ бригадларнинг муваффақиятини биринчи навбатда мана шундан деб биламан.. Шуниси эътиборлики, бу дўстларим устозлар тажрибасига ҳамиша катта ҳурмат ва муҳаббат билан қарашади.

Пойтахтни йил-ўн икки ой сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб туриш Тошкент шаҳри атрофидаги туманларининг, хўжаликларнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Маҳмуд Алиев ана шундай масъулиятли ишда фидойилик кўрсатаётган машҳур деҳқонлардан биридир. Уни маҳаллалари шаҳарга қўшилиб кетган собиқ хўжаликдошларигина эмас, балки, пойтахтнинг ичкарироғидаги одамлар ҳам танишади. Исми-шарифини эшитса, яссавийлик бригадирми, дейишади дарров.

"Ўзбекистон" ширкат хўжалигининг Яссавий номли маҳалласида яшайдиган қирқ саккиз ёшли дала дарғаси Маҳмуд Алиев ҳақида ўйлаганимда, ҳаёлимга беихтиёр мутаффаккир авлиёнинг қуйидаги машҳур сатрлари келаверади:

**Инсон эрсанг чинакам,**
**Сендан ибрат олар-о.**
**Ҳавас отлиғ ниятни**
**Дил-кўнгилга солар-о.**

**Юсуф БЕРДИЕВ.**

*Хўжалик судлари фаолиятидан*

# ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ БАЖАРИЛЯПТИМИ?

***Юртбошимиз Ислом Каримов хўжалик шартномаларини тўғри тузилиши ва бажарилишини таъминлаш иқтисодиётни ислоҳ қилиш тизимида айниқса, қишлоқ хўжалик соҳасида энг заиф бўғин бўлиб қолаётганлигини, хўжалик шартномалари номигагина тузилиб, унда томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарлик чоралари аниқ акс эттирилмаётганлиги, кўплаб ҳолларда ҳуқуқларини яхши билмаслик натижасида томонлардан бирининг манфаатларига зид бўлган, кўп ҳолларда фермер ва ижарачилар зарарига шартномалар тузилаётганлигини аччиқ ҳақиқат сифатида баён этганлигидан ҳаммамизнинг хабаримиз бор.***

Жиззахда вилоят ҳокимининг ташаббуси билан иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида Республикада илк бор эксперимент тариқасида муқаддам амалда бўлган ширкат, жамоа хўжаликлари қайта ташкил этилиб, деярли барча қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар узоқ муддатли ижара шартномасига асосан фермер хўжаликларига берилган.

Вилоятда айни пайтда 12 мингга яқин фермер хўжаликлари фаолият юритмокда. Жамоа, ширкат хўжаликлари базасида фермер хўжаликларининг ихтиёрий бирлашмалари сифатида, уларга моддий-техникавий, агротехника, агрохимия ва бошқа сервис хизматларини кўрсатувчи, шартномаларни тузиш ва бажарилишини таъминлашда кўмаклашувчи, ҳуқуқий ёрдам беришни амалга оширувчи агросервис марказлари ташкил этилган.

Таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан фермер хўжаликлари ўртасида тўғридан-тўғри шартнома асосида хизмат кўрсатилишининг йўлга қўйилиши натижасида ўтган йилда 12,5 минг тонна дизель ёқилғиси, 2,5 минг тонна бензин ва 2 минг тоннадан ортиқ уруғлик кам сарфлашга эришилган.

Юртимизда деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари ўртасида тузилаётган шартномаларнинг сони йилдан йилга кўпайиб бормокда. Жумладан, Жиззах вилоятида 2002 йилда пахта етиштириш бўйича тузилган контрактация шартномалари 6875 та, пилла маҳсулоти учун тузилган шартномалар 161 та, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти учун тузилган шартномалар сони 8775 та ва бошқа қишлоқ хўжалигидаги шартномалар сони 15926 тани ташкил этган. Ушбу ҳолатни 2003 йилнинг май ҳолатига солиштирсак, жорий йилнинг пахта етиштириш бўйича тузилган контрактация шартномалари 7045 та, ғалла етиштириш бўйича тузилган контрактация шартномалари 10579 та, пилла учун тузилган шартномаларнинг сони 161 тани ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, хўжалик ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида шартномалар билан ишлаш йилдан йилга ошиб бормокда.

Вилоятда ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган 12 мингга яқин фермер хўжаликларининг ривожланишига айнан улар фаолиятига оид қонунларнинг қай даражада ишлашига боғлиқлиги сир эмас. Аммо, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга барча иқтисодий, ҳуқуқий асослар яратилганлигига қарамасдан, жойларда деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, ер ажратиш ва ундан фойдаланиш, моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, ҳокимият, банк, давлат солиқ идоралари, хизмат кўрсатувчи, таъминотчи ва тайёрлов корхоналари билан муносабатларни йўлга қўйишда ҳамон жиддий нуқсонлар мавжуд.

Айрим ҳолларда контрактация шартномаларини қайта-қайта тузиш ҳоллари учрамокда. Фермер хўжаликлари ва тайёрловчи ўртасида тузилган ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш инспекциясида рўйхатдан ўтган шартномалар қонуний асосларда бекор қилинмасдан тайёрлов корхоналари янгитдан бошқа бир шартларда контрактация шартномаларини тузмокдалар. Натижада фермернинг қўлида бир масалада тузилган икки хил шартномалар учрамокда. Бу ҳолатлар ўз навбатида шартнома интизомига салбий таъсир кўрсатиб, кўпгина низоларни келтириб чиқармокда.

Фермер хўжаликларини ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, техника, кимёвий моддалар билан таъминлаш тўғрисидаги шартномалар лойиҳалари асосан тайёрловчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилаётганлиги боис, уларда тайёрловчиларнинг ҳукмрон мавқеи сақланиб қолмокда.

Бу шартномаларда шартномаларни ижро этиш муддатлари ва тартиблари, тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги масалалари аниқ акс эттирилмаслиги боис фермерларни ноқулай шароитда қолиш билан бирга тайёрловчи идораларнинг эшигида сарғайишга мажбур бўлади.

Деҳқон, ширкат ва фермер хўжаликларининг МТПлар, "Қишлоқхўжаликкимё" бирлашмалари билан муносабатларида ҳам муаммолар учрамокда. Кўп ҳолларда бу корхоналар билан шартномалар тузишда кўрсатиладиган хизматларнинг тури, муддатлари аниқ кўрсатилмаган. Бундай ҳолларда томонлар ўртасидаги муаммолар низоларни келтириб чиқариб, суд муҳокамасигача етиб келмокда.

Жорий йилнинг ўтган беш ойлик даври мобайнида вилоят хўжалик судида деҳқон-фермер хўжаликлари ва тайёрловчи-таъминотчи корхоналар ўртасида жами 1782 та низо кўрилган бўлса, шундан 165 тасида фермер ҳамда деҳқонлар даъвогар сифатида, қолган 1617 та ишнинг барчасида жавобгар сифатида қатнашган.

Олий хўжалик суди камчиликларни бартараф этиш борасида анчагина ишларни амалга оширмокда. Жумладан, Жиззах вилоятида, фермерларнинг ҳуқуқий онгини ва савиясини ошириш мақсадида бир қанча семинарлар ўтказиб келинмокда. Яқинда бўлиб ўтган "Фермер хўжаликлари билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасида шартномаларнинг тузилиши ва ижроси юзасидан йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари" мавзусида ҳам Дўстлик туманида семинар ўтказилди. Семинарда Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев, ва Олий хўжалик суди раиси ўринбосари Н.Аҳмоновлар қатнашди. Йиғилганлар Олий хўжалик суди ташкилий-назорат ишлари бўлим бошлиғи М.Ниёзметов, Жиззах вилоят хўжалик суди раиси К.Синдаровларнинг фермерлар ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида тузиладиган шартномаларнинг мажбуриятлари, бажарилиши ва камчиликлари ҳақида маърузаларини тингладилар. Улар билан келгусида амалга ошириладиган ишлар ҳам белгилаб олинди.

**Гулмира СУЮНОВА,**
**"Адолат" мухбири.**

# «ИСТИҚЛОЛ»НИНГ ИСТИҚБОЛИ

***Маълумки бозор иқтисодиёти шароитида кўпгина паррандачиликка ихтисослашган корхоналар ўз араваларини торта олмай қолоқлик гирдобига тушиб қолишди.***

Буни вилоятдаги еттита паррандачилик корхоналардан атиги учтасигина фаолият кўрсатаётганлигидан билса бўлади. Аммо, Кўкдала қишлоғининг қоқ ўртасида жойлашган "Истиқлол" номли паррандачилик очиқ ҳиссадорлик корхонаси нафақат вилоятда, балки республикада ҳам етакчи ўринларни эгаллаб келмокда. Бунинг сири нимада? Омилкорликда. Ҳисобли дўст айрилмас деганларидек, корхонада ҳар бир иш аниқ режа ва ҳисоб-китоб билан олиб борилади.

Сир эмаски, қаерда ғирромлик, алдамчилик бўлса, ўша ерда кўзбўямачилик ва ўғрилик авж олади. Корхонада фаолият кўрсатаётган 150 нафар ишчи хизматчиларнинг барчаси эркаклар. Ишчиларнинг ойлик маошлари 35-40 минг сўмни ташкил қилади. Яқинда корхона соф даромад эвазига 300 минг жўжани боқиш учун қўшимча хоналарни қурди. Бу эса қишлоқда янги иш ўринлари очилишига сабаб бўлди.

Корхонада ишчиларнинг моддий аҳволини яхшилаш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш борасида бир қатор амалий ишлар қилинган. Ишчиларга янги турар жой бинолари қуриб берилиб, ишхона ҳисобидан бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Дам олиш хоналари, мўъжазгина кутубхона, замонавий спорт мажмуаси, санъат саройи ишчи-хизматчилар ихтиёрида. Етти хазинанинг бири бўлган Чироқчи туманидаги "Истиқлол"нинг истиқболи албатта баланд бўлади.

**«Туркистон-пресс».**

***Одатда Қашқадарё деганда киши кўз ўнгига сўлим боғлар, кенг пахтазорлар, ям-яшил экинзорлар билан бир қаторда чексиз ғаллазорлар келади. Чунки вилоят азал-азалдан мамлакатимизнинг йирик ғаллакор ҳудуди ҳисобланиб келган.***

# ҚАШҚАДАРЁНИНГ КАТТА КАРВОНИ

*«Ғалла—2003»*

**Қашқадарё буғдойлари,**
**Роса пишса ёз ойлари.**
**Шунда эл-юрт саройлари,**
**Тўлар донга, тоғ хирмонга.**

Ушбу сатрларни тўқиган шоир айни ҳақ гапларни ёзган. Чунки ваъдасига содиқ қашқадарёлик ғаллакорлар бу йил ҳам улкан дон хирмони яратишга муваффақ бўлдилар. Она-Ватан воҳа миришкорларидан қарийб 365 минг тонна ғалла қабул қилиб олди. Жами тайёрланган дон 700 минг тоннага етди. Бу мамлакат вилоятлари ичида энг кўпдир.

Ўтган йили барака уруғи сепилган 230 минг гектар майдоннинг 140 минг гектарини суғориладиган ерлар ташкил этади. Қашқадарё деҳқонлари шу майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 45 центнердан ошириб хирмон кўтаришга муваффақ бўлишди. Лалми ерлар қайтими ҳам юқори бўлди.

Қилинган фидокорона меҳнат эвазига ғаллакорларнинг ҳамёнлари пулга, уйлари донга тўлди. Эл-юрт дастурхони эса тўкин бўлди. Бунинг учун улкан хирмон яратиб, халқ ризқини бутун қилган фидокор, мард, танти, меҳнаткаш деҳқонларга ҳар қанча мақтовлар, раҳматлар айтса арзийди.

Мана чексиз, бепоён далалардан йиғиштириб олинган дон омборларга ғамлаб олинди. Энди уларни кўнгилдагидек қайта ишлаб, нобудгарчиликка йўл қўймаган ҳолда сифатли ун тайёрлаш лозим бўлади. Бу фикрни айтишдан мақсад шуки, айрим нон маҳсулотлари корхоналари тайёрлаётган нонлар кўпинча талабга жавоб бермай қолаяпти. Шу сабабли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини бир неча баробар пасайтиришга мажбур бўлишмокда. Ҳатто айрим корхоналар тўхтаб қолаётир. Қимматбаҳо ускуналар, энг ёмони, одамлар бекор қолаяпти. Бу давлатга ҳам, ушбу корхоналар ишчи-хизматчиларига катта иқтисодий зарар келтирмокда. Хўш бундай нохуш вазиятдан чиқишнинг йўли борми?

—Бор,—дейди биз билан суҳбатда "Қашқадарёдонмаҳсулотлари" ишлаб чиқариш акциядорлик уюшмаси бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Асқар Раҳматов.—Фақат бунинг учун, яъни буғдойдан сифатли ун оламан деганлар аввало донни кондицияга етказишлари керак. Бунинг учун буғдойни барча технологик талабларга риоя қилган ҳолда тиндириб сақлаш, қайта ишлаш олдидан яхшилаб тозалаш, саралаш сўнгра ювиш керак. Ана шунда буғдойдан фақат биринчи ва олий навли ун олиш мумкин.

"Қашқадарёдонмаҳсулотлари" ишлаб чиқариш акциядорлик уюшмасига қарашли аксарият корхоналарда шундай қилинмокда. Масалан, "Дунё-М" очиқ акционерлик жамиятини олайлик. Жамият раиси Абдулла Ёқубовнинг таъкидлашича, корхонада бир кунда 300 тонна ун ишлаб чиқарилмокда. Тайёрланган маҳсулотнинг сифати кўнгилдагидек. Бу ерда ҳатто олий навли ун, макарон уни, ун ёрмаси ҳам олинаётир.

Шу сабабли ҳам корхона маҳсулотларига харидорлар кўпайиб бормокда. Яқинда бухоролик ва самарқандлик истеъмолчилар билан олий навли ун етказиб бериш бўйича ўзаро шартнома имзоланди. Бир оз муддат ўтиб, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар аҳолиси ҳам жамоас ишлаб чиқарган олий навли унни сотиб олишлари мумкин.

Яна бир янгилик. Маълумки, ўтган йили республикамизда ғаллазорлардан рекорд миқдорда дон ҳосили йиғиштириб олинди. Аҳоли эҳтиёжига ярашаси қайта ишланди. Шу сабабли бултурги доннинг бир қисми ҳали омборларда турибди. Бу йил ҳам мамлакатимизда ғалладан катта хирмон яратилди. Демак, халқимиз эҳтиёжидан анча ортиқ донга эгамиз.

Бундай шароитда нима қилиш керак, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Жавоб эса битта. Омборлардаги буғдойдан фақат юқори сифатли ун тайёрлаб, чет эллик истеъмолчиларга сотиш. Қашқадарёлик донни қайта ишловчилар шу йўлдан боришмокда. "Дунё-М" очиқ акционерлик жамияти раҳбарлари бундан бир неча муддат олдин қўшни Афғонистон республикасига 35 минг тонна ун етказиб бериш бўйича шартнома имзолашган эди. Ҳозир тайёр маҳсулотни жўнатиш учун сўнгги тайёргарлик ишлари тугалланяпти.

Шаҳрисабз туманидаги "Дон халқ ризқи" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти асосан шу ҳудудда етиштирилган товар ғаллани қабул қилиб, ун ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мавжуд элеватор 18 минг тонна донни сақлаш ва тозалаш қувватига эга. Ҳозиргача бу ерда 12 минг тоннадан зиёд ғалла ғамлаб қўйилди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш лозимки корхона Туркия билан ҳамкорликда фаолият кўрсатяпти. Бунинг ижобий жиҳати шундаки, ҳиссадорлик жамияти цехларида хориж мамлакатларининг энг илғор техникаси ўрнатилган. Бу ўз навбатида буғдойни фақат яхши сақлаб кондицияга етказиш, ундан фақат сифатли ун тайёрлашда қўл келяпти. Техника воситалари замонавийлиги туфайли дондан ун олиш миқдори анча юқори. Шу сабабли корхона маҳсулотларига бўлган талаб борган сари ортиб боряпти.

Шу билан бир қаторда "Дон халқ ризқи"да ҳам Афғонистон билан ушбу мамлакатга ун етказиб бериш ҳақида шартнома имзоланган. Шартномада қайд этилишича, қўшни давлатга яқин вақт ичида 50 минг тонна сифатли ун етказиб берилиши керак. Шу пайтга қадар шерикларга 500 тоннадан зиёд ун етказиб берилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, энг яхши навли унлар қаттиқ буғдойлардан олинади. Макарон маҳсулотлари учун эса айнан шундай буғдой зарур. Бироқ республикамизнинг асосий ғалла майдонларида юмшоқ буғдой ўстирилади. Шу сабабли ҳам боз устига бу ғалла технология талабларига риоя қилинмай қайта ишланса, бундай уннинг сифати кўп ҳолларда рақобатга дош беролмай қоляпти.

Шуни эътиборга олган Шаҳрисабз тумани ғаллакорлари бу йил қаттиқ буғдойнинг "Макус" навини тажриба тариқасида етиштирдилар. Ҳозир унинг ҳосили омборларга ғамлаб қўйилган. Шу нав буғдойи яқинда алоҳида қайта ишланади. Бош муҳандис Рашид Диёровнинг таъкидлашича ушбу нав донидан фақат юқори сифатли ун олиш режалаштириляпти. Агар кўнгилдагидек яхши натижа берса, ушбу навни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам экиш учун тавсия берилади.

Кўриниб турибдики, қашқадарёлик миришкорлар баҳона изламай имконият қидиришяпти. Шу туфайли ҳам улар ишлаб чиқарган ун ва ун маҳсулотларидан бошқа вилоятлар, қолаверса чет мамлакат аҳолиси баҳраманд бўлаётир.







Эсимда, отам раҳматлик маккажўхорининг йирик, бўлиқ сўталари обдон етилгач, қуритиб уйимизнинг бўғотига қистириб қўярдилар. Қишли-қировли кунларда баъзан озиқ-овқатдан қийналиб қолганимизда ҳам уни истеъмолга ишлатмасдилар. Сабаби, ушбу сўталар уруғлик учун олиб қўйилган бўлиб, баҳорда яхшилаб ишлов берилган ерларга экилганда гуркираб кетарди. Томорқамиздаги маккажўхори бошқаларникига қараганда анча кўп ҳосил берарди. Чунки айримлар сара уруғликни сақлай олмай кўкламда дуч келган уруғликни экишга мажбур бўлишарди-да!

Шунинг учун ҳам халқимизда "сара уруғ-ҳосил бўлиғ" деган ибора бор. Қашқадарёда ғалладан доимо улкан хирмонлар яратилаётганлигининг боиси вилоятда уруғчиликка катта эътибор берилаётганидадир. Айниқса, бу муҳим иш Яккабоғ туманидаги "Яккабоғдонмаҳсулотлари" масъулияти чекланган жамиятда намунали йўлга қўйилган.

Биз корхонанинг уруғчилик цехларида бўлганимизда бу ердаги тартиб, саранжом-саришталикни кўриб жуда хурсанд бўлдик. Арпа, буғдойнинг ҳар бир нави алоҳида жойларга тўкилган. Паспорти бор. Унда доннинг нави, класси ва бошқа жиҳатлари ўз аксини топган. Лаборатория ходимлари тез-тез улардан намуналар олиб сифатини текшириб туришади. Шу сабабли ҳам "Яккабоғдонмаҳсулотлари" масъулияти чекланган жамиятидан олинган уруғлик вилоятнинг бошқа туманлари ва қўшни вилоятлар ғаллакорларига ғоятда манзур бўлмокда.

Ҳа, ғалладан мўл ҳосил етиштириб, уни асраб-авайлаб сақлаш, донни илғор технология асосида сифатли қайта ишлаш борасида Қашқадарё вилоятида ўрнак олса арзигулик тажриба тўпланган. Буни юқоридаги гапларимиз исботлаб турибди. Биз ҳам воҳа миришкорларини эл дастурхонини тўкин қилиш йўлида олиб бораётган эзгу ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

**Каримжон РИХСИЕВ,**
**"Адолат" мухбири.**

**Суратларда: 1. Шаҳрисабздаги "Дон халқ ризқи" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тегирмон цехи ишчиси Турдимурод Отамуродов; "Яккабоғдонмаҳсулотлари" масъулияти чекланган жамияти раиси ўринбосари Азамат Тўраев билан лаборатория мудири Бурхон Бобоёров; масъулияти чекланган жамиятнинг 1-уруғчилик цехи лаборантлари Ҳилола Фахриддинова билан Озода Холбоевалар доимо ўз ишларини пухта олиб боришади.**

*Банклар фаолиятидан*

***Иқтисодий ислоҳотларнинг ривожида, албатта, банклар фаолиятининг улуши бор. Зеро, иқтисодий самарага, моддий манбасиз эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз банклар фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмокда. Шу асно да иқтисодий жабҳаларни молиялаштиришга эришилмокда. Буни биргина Навоий вилоят «Саноат қурилиш банки»и фаолиятидан ҳам кўрса бўлади.***

# МИЖОЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Шаҳар марказида жойлашган бу банк остонасидан мижозлар аримайди. Ичкарида эртадан кечгача иш қизғин. Қайси бир корхона ҳисобчиси ходимлар маошини талаб қилиб келса, бошқа бир тадбиркор кредит сўраб мурожаат қилади. Бошқа бировнинг ҳам кечиктириб бўлмайдиган ташвиши бор. Қўйингчи, ҳисоб-китоб ташвиши билан елиб югураётганларни кўриб, бир баҳя ҳайратланиб туриб қоласан.

Хуллас, ичкари кирганимизда банк бошлиғининг ўринбосари Муродулла Давронов жорий йилнинг 6 ойлик натижаларини сарҳисоб қилаётган экан.

— Ярим йилликдаги хизмат фаолиятимиз ёмон бўлмади,— деди у. — Ҳозиргача 101 та корхона, ташкилот, кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан кредит олиш учун мурожаат этишди. Мижозларимизнинг талабларига асосан 5379,4 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Шу жумладан муддати ўтган ойли маош ва ўз айланма маблағларини тўлдириш учун 4868,7 миллион сўм, ўрта ва кичик бизнес субъектлари учун 506 миллион сўм, таълим кредити учун 4,7 миллион сўм белгиланди. 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида махсус имтиёзли кредитлаш фонди маблағи 380,3 миллион сўмни ташкил қилиб, 130 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилди. Натижада кредитлар ҳисобига қўшимча ишчи ўринлари сони эса 109 тани ташкил этди.

Яна шуни айтиш жоизки, бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан жами 62 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Бундан банк жамғармаси ҳисобидан 60,8 миллион сўм, бизнес фонд маблағи ҳисобидан 10,3 миллион сўм, бошланғич сармояни шакллантириш учун 9,3 миллион сўм имтиёзли кредитлар беришга муваффақ бўлдик. Хуллас, 1 июль ҳолатига нисбатан жами кредит қўйилмалари 6295,9 миллион сўмга етди. Ана шундан 4139,2 миллион сўми қисқа муддатли, 2152,2 миллион сўми ўрта муддатли, 13,6 миллион сўми эса узоқ муддатли кредитлардан иборатдир.

**— Банкдан кредит олган мижозлар орасида қарзини ўз вақтида тўлолмаганлар ҳам борми?**

— Албатта, бор. Масалан, "Учқудуқ" қоракўлчилик хўжалигини олайлик. Уларнинг қарзлари 326 миллион сўмни ташкил этади. Ушбу қарздорлик йил мавсуми бўйича қопланиши режалаштирилган. "Учқудуқсавдо" ташкилотининг ҳам 16 миллион сўм қарзи бор. Бу қарздорликни қопланиши ЗУС билан ўзаро тузилган келишув битимига кўра берилган иморат ва иншоатларининг ҳисобидан ёпилиши кўзда тутилган. Шунингдек, "Люкс" ХФга тегишли мавжуд 1,8 миллион сўмлик қарзни ундириш учун фуқаролик судига мурожаат қилинди. 2002 йил давомида муддати ўтган кредит ва фоизлар ҳам ўз вақтида тўланмаганлиги сабабли 8 нафар мижознинг ҳужжатлари прокуратура ва хўжалик судига ўказилди.

**— Қарзларни ундириш бўйича судга киритган даво аризаларингизнинг самараси қандай бўлаяпти?**

— Улар хўжалик судида кўрилиб, ҳал қилувчи ажримлар чиқарилди. Иккита мижозимиздан қарзлар тўлиқ ундирилди. Қолганларидан қисман ундирилиб, ажрим ижроси назоратга олинган.

**— Мазкур банкда ташқи иқтисодий алоқалар бўлими ҳам фаолият кўрсатар экан. Бу борада қандай тадбирлар амалга ошириляпти?**

— "Навоийсавдо" ҳиссадорлик жамиятига қарашли "Агромаҳсулот" шўъба корхонаси 2000 йилнинг октябрь ойида тегишли хужжатларга асосан "Ўзсаноатқурилишбанк" ёрдами билан "Европа тикланиш тараққиёт банки"нинг кредит линиясидан фойдаланишга рухсат олган эди. Бу кредит линияси "Агромаҳсулот" корхонасининг иссиқ хонасида томчилаб суғориш технологияси ёрдамида аҳолига сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш учун 1367 минг АҚШ долларлик лойиҳасига асосланган. Унда Исроил давлатининг "NETAFIM" компанияси ўз технологияси билан иштирок этади. "Агромаҳсулот" шўъба корхонаси томонидан 2001 йилда 1-сонли формаси билан Исроил давлатининг "NETAFIM" компанияси ўртасида ўзаро тузилган 2002 йилдаги 202-сонли импорт шартномасига асосан валюта тўлови амалга оширилди. Ушбу шартнома бўйича амалга оширилган валюта тўлови ҳозирги кунда корхона томонидан 1367 минг АҚШ доллари миқдорида ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Лойиҳа режасига кўра 2002-2003 йиллар давомида корхонада 1080 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб бериш мўлжалланган. Ҳақиқатда эса 2002-2003 йиллар орасидаги 4 ой давомида 480 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиб аҳолига етказиб берилди. Ҳозирча етиштирилган маҳсулотлар Ўзбекистонимизнинг ички бозорларига чиқарилди. 2003 йилнинг 2-ярмидан бошлаб бу маҳсулотларни экспорт қилиш мўлжалланмокда. "Ўзсаноатқурилишбанки" ва "Агросаноат" шўъба корхонаси ўртасида тузилган 2001 йил 27 июндаги кредит шартномасига асосан ажратилган кредит суммасининг ҳисобланган фоизи йилига икки марта тўланиши кўрсатиб ўтилган. Кредит суммасининг ҳисобланган фоизи 2002 йил июль ойида тўлов топшириқномасига асосан жами 58605 АҚШ долларида фоиз суммаси тўлови амалга оширилди.

Суҳбатдошимиз банкнинг пул муомаласи бўлими фаолияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

— Шу йилнинг январь, июнь ойлари давомида, — деди у бу ҳақда, — жами кирим қисми 2293537 минг сўмни, чиқим қисми 8313078 минг сўмни ташкил этди. Ярим йилликда банкимиз томонидан 22 та ташкилот ва корхонада касса интизоми бўйича текширувлар ўтказилди. Шундан 8 корхонада қоидабузарликлар аниқланди. Текширувлар натижалари қуйидагича: жами қоидабузарликлар 30018,7 минг сўмни ташкил этиб, шундан мақсадсиз харажатларга 12225,8 минг сўм, лимитдан ортиқча ушланган 6396 минг сўм ва бошқа тартиббузарликлар 11396,9 минг сўмни ташкил этди. Ана шу текшириш далолатномалари солиқ инспекциясига юборилди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил июнь ойидаги "Нақд пул муомаласини мустаҳкалаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2002 йил август ойидаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари талабларининг бажарилиши ҳам вилоят "Саноат қурилиши банки»и маъмурияти назоратидадир. Бу борада ана шу камчиликларнинг олдини олиш учун ўз вақтида тегишли тадбирлар олиб борилмокда. Шуни айтиш жоизки, банк ходимлари мижозларга хизмат кўрсатиш юзасидан ўз вазифаларини яхши бажармокда. Корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамида маблағлар мавжуд бўлган ҳолда, 1-талаби бўйича банкдан нақд пул билан таъминланмокда. Бундан ташқари 2003 йил 1-ярим йиллиги давомида "Навоийазот" ОАЖига иш ҳақини ўз вақтида тўлаш учун банк кредитлари ажратилиб, банкоматлар орқали иш ҳақлари олиб берилмокда. Шунингдек, 2003 йил 3- чораги давомида ҳам йирик корхоналар ва аҳоли савдо қиладиган савдо марказларига банкоматлар ўрнатиш кўзда тутилмокда.

Банк хазинасидаги ҳар бир сўм, ўз мижозларига кредит учун бериладими ёки тегишли жойлардан хазинага келиб тушадими, бундан қатъий назар ҳисоб-китобда турибди. Шу боис ҳам бу ерда нақд пул муомаласини мустахкамлаш юзасидан жиддий текширув ва назорат ишлари олиб борилаётир. Нақд пул топшириш борасида узилишларга йўл қўяётган ва ўз вақтида инкассация орқали топшириш графигини бузаётган хўжалик субъектлари тўғрисида банк маъмурияти томонидан шаҳар прокуратураси, солиқ инспекцияси ва пул кредит комиссиясига ўз вақтида маълумотлар жўнатилади. Бу эса банкда нақд пул муомаласини мустахкамлаш борасида ўз ижобий натижасини бераяпти.

Вилоят банки Устав капиталини шакллантириш юзасидан ҳам бирмунча ишлар амалга оширилмокда. Жумладан, 2003 йил 1 январь ҳолатига банк устав капитали 349,7 миллион сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилнинг 1 июль ҳолатига 375,3 миллион сўмни ташкил этди. Ёки ўтган йилга нисбатан банк устав капитали 25,6 миллион сўмга оширилишига эришилди. Эришилган бу ютуқда Навоий тоғ-металлургия комбинати, "Навоийазот" очиқ турдаги акциядорлик жамияти, "Қизилқумцемент" очиқ турдаги хўжалик жамияти, "Навоий газ таъминоти" шўъба корхоналарининг улушлари катта бўлди.

Вилоят "Саноатқурилишбанк"и ўз фаолиятини ривожлантириш, аҳоли талаб эҳтиёжини қондириш учун мини банклар тармоғини кенгайтиришга эътиборни қаратмокда. Бу борада Навоий шаҳар марказий савдо универсалида фаолият кўрсатаётган мини банк хизматидан мижозлар мамнун бўлишаётир... Уч киши хизмат кўрсатаётган бу мини банк ҳозиргача 41 та мижозларнинг талабларини қондиришга эришди. Мижозларга кредит хизмати кўрсатиш билан 1 миллион 83 минг сўм, касса хизматидан эса 1 миллион 591 минг сўм фойда олишга муваффақ бўлинди. "Саноатқурилишбанк" маъмурияти ана шундай мини банкларни вилоятнинг бошқа жойларида ҳам ташкил этиш ҳозирлигини кўрмокда.





2003 йилнинг олти ойлик ҳолатига нисбатан даромад 886218 минг сўмни ташкил этди. Ёки бу борадаги режа 130 фоизга бажарилди. Умумий даромадларнинг 71 фоизи кредитлар ҳисобидандир.

Жамоанинг бундай муваффақиятга эришиши бежиз эмас. Бу ерда турли иқтисодий ўқув юртларини битириб келган билимдон ва малакали кадрлар меҳнат қилишади. Уларнинг аксарияти "Ўзсаноатқурилишбанк" ўқув марказлари томонидан ўтказилаётган семинарларда фаол қатнашиб, тажриба ва малакаларини ошириб қайтишган. Шунингдек, кадрлар билимини ошириш, тажрибаларни ўртоқлашиш учун банкда ҳафтада икки марта ўқув машғулотлари ўтказилади. Ана шу машғулотларда бухгалтерия, ҳамма банк соҳасида бўлаётган ўзгаришлар ўқитилади. Машғулотларни асосан бош ҳисобчи ва унинг ёрдамчилари олиб боришади. Банк мутахассисларининг ўз устида ишлаётганликлари ва юксак малакали тайёргарлиги туфайли ҳам хўжалик объектларининг молиялаштириш ва кредитлаштириш даражаси тўғри изга солинган.

Ҳа, иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш, халқимиз турмуш тарзини юксалтириш, юртимизни обод қилишда муносиб ҳиссасини қўшаётган Навоий вилоятидаги "Саноатқурилишбанк" жамоасининг ҳам ҳиссалари катта бўлмокда. Айниқса, вилоятдаги гигант саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларидаги муваффақиятларда ҳам банкчиларнинг муносиб улушлари қувончли бўлаётир.

**Асқар ЖАЛИЛОВ,**
**"Адолат" мухбири.**
**Суратларда: жамоа фаолиятидан лавҳалар.**

